



АДОЛАТ

ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ ГАЗЕТА

Газета 1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов 12 апрель куни Оқсаройда Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг (ЕХХТ) амалдаги раиси, Испания Кироллигининг ташқи ишлар ва ҳамкорлик вазири Мигель Анхель Моратиносни қабул қилди.

— Биз нафақат ЕХХТнинг амалдаги раиси, аини пайтда Ўзбекистон билан дўстона муносабатларга эга мамлакат — Испания ташқи ишлар вазири билан учрашиб турибмиз, — деди мамлакатимиз раҳбари.

Маълумки, мазкур ташкилотга аъзо давлатларнинг ташқи ишлар вазирилар ҳар йили навбати билан унга раислик қилади. Бу Испания Кироллиги ташқи ишлар ва ҳамкорлик вазири Мигель Анхель Моратиноснинг ЕХХТ раиси сифатида Ўзбекистонга илк ташрифидир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов

нинг 2003 йилнинг январь ойида Испания Кироллигига давлат ташрифи икки томонлама ва кўп томонлама алоқаларни янги босқичга кўтарди. Испания Ўзбекистонга минтақамиздаги етакчи мамлакат сифатида қарайди.

Ушбу халқаро ташкилот раҳбарияти эътироф этганидек, 1992 йили ЕХХТ сафидан жой олган Ўзбекистон демократик институтлари ривожлантириш, фуқаролик жамиятини шакллантириш орқали хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш йўлидан изчил бормоқда. Ўзбекистоннинг ушбу халқаро ташкилот ишидаги фаол иштироки ЕХХТ кўп қиррали ва самарали фаолият юритишига муносиб ҳисса бўлиб кўшилмоқда. Шу боис ЕХХТ мамлакатимиз раҳбариятининг ушбу халқаро ташкилот билан самарали ҳамкорлигини юксак баҳолайди.

ЕХХТнинг амалдаги раиси Марказий Осиё ушбу ташкилот

учун муҳим аҳамиятга эга эканлигини, Ўзбекистондаги барқарор иқтисодий ва ривожланган фуқаролик жамияти, мустақам тинчлик ва оқойишталлик ҳамда самарали бошқарув Евроосиё ва Трансатлантика минтақаларида хавфсизликни таъминлашда муҳим ҳаётий омил эканини таъкидлади.

Испаниянинг ЕХХТга раислиги даврида ташкилотга аъзо давлатлар ҳудудида хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш, хусусан, террорчилик ва экстремизмга қарши курашиш масалаларига эътиборни кучайтириш, экологик хавфсизликни таъминлаш, ташкилотнинг нуфузини янада ошириш ва бошқа масалалар устувор йўналиш сифатида белгиланган.

Оқсаройдаги мулоқот чоғида Ўзбекистон ва ЕХХТ муносабатларининг бугунги аҳоли ҳамда истиқболлари хусусида атрофлича фикр алмашилди.

(УзА)

ФАОЛИЯТНИНГ АНИҚ ВА ДОЛЗАРБ ЙЎНАЛИШЛАРИ

ПАРТИЯ САРКОТИБЛАРИ УЧРАШУВИДА МУҲОКАМА ЭТИЛДИ

Пойтахтимиздаги «Le Grande Plaza» меҳмонхонасида Ўзбекистон «Адолат» СДП Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашилари биринчи котиблари ҳамда партиянинг Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари иштирокида ўтказилган «Партиявий фаолиятни кучайтириш ва ишга ёндошуви янгилаш — давр талаби» мавзусидаги семинар-кеңаш жойли мулоқот ва ошқора танқид руҳида ўтганлиги билан муҳим аҳамият касб этди.



Гарчи тадбир аниқ масалаларга йўналтирилган бўлса-да, йиғилганлар ҳар бир мавзунинг эркин ва очик баҳс тарзида таҳлил қилишди. Энг муҳими, тадбир иштирокчилари бу ерга маъруза ёки ахборот тинглаш учун эмас, балки ўз тажрибалари билан ўртоқлашиш, фаолиятдаги мавжуд камчилик ва муаммоларни барқарор этиш бўйича тақлиф-мулоҳазаларни билдириш ва самарали фаолият мезонларини келишириш учун ташриф буюришди.

Дастлаб, «Адолат» СДП биринчи котиби Д.Тошмухамедов

партия раҳбари. — Мазкур қонун миллий давлатчилик ва мустақилликни мустаҳкамлаш, жамиятни янада демократлаштириш ва либерализациялаш ҳамда унинг барқарор тараққиёт йўлини қўллаб-қувватлашга қаратилган. Ўз навбатида, бу сиёсий партиялар фаолиятининг самардорлигини таъминлашга кенг имкониятлар яратди. Қонунда кўзда тутилган ислохотлар жамиятни демократлаштириш жараёнида янги сифат босқичини бошлаб беради.

Давоми 2 - бетда

МЕҲР-ОҚИБАТ БОР ЖОЙДАН БАРАКА АРИМАЙДИ

Президентимиз Ислон Каримовнинг 2006 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2007 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган **Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида юртимизда ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик, аҳиллик ва меҳр-оқибат муҳитини янада мустаҳкамлаш олдимизда турган барча вазифаларни амалга оширишда катта пойдевор бўлиши алоҳида таъкидланди.**

Бу вазифаларнинг ҳаётда ўзифодасини топиши халқимиз оқойишталлиги ва фаровонлигининг асоси бўлиб хизмат қилаётганини пойтахтимизнинг Учтепа туманидаги Журжоний номидаги маҳалла мисолида кўриш мумкин. Уч мингга яқин аҳоли истиқомат қилаётган бу маҳалла, аввало, ободлиги билан кўзни қувонтиради.

— Маҳалла фаоллари ва профилактика инспекторларининг ҳамкорлиқда фаолият юритиши учун барча зарур шарт-шароит яратилган янги бинода иш бошлаганимизга ҳали кўп бўлгани йўқ, — дейди маҳалла оқсоқоли Бахтинур Саидов. — Аммо бу қўлайлик ишимизга ўзининг ижобий таъсирини кўрсатиб улгурди. Аҳоли, айниқса, аёллар ва ёшлар учун фойдали ўқув курслари, кичик бизнес шохобчаларини кенгайтириш имконияти туғилди.

Маҳаллада бекорчи кишини учратмайсиз. Одамлар қувончу ташвишларини маҳалла оқсоқоли билан баҳам қилиши муаммолар юзага келишининг олдини олишга хизмат қилляпти. Шунинг учун ҳам маҳалла муҳити соғлом. 2005 йилдан буюн бу ерда бирорта ҳам жиноят қайд этилмагани бу фикрнинг тасдиғидир.

Шу боис маҳалла аҳли жойи йилнинг январь ойида Ўзбекистон Республикаси Ички Ишлар вазирилик томонидан ўтказилган «Намунали милиция таянч пункти» танловидида биринчи уринини кўлга киритган.

УзА

Бунда маҳаллаларнинг ўрни бекиёс. Шу боис юртимизда маҳаллаларга қаратилган юксак эътибор тўғрисида ушбу институтнинг мавқеи тобора мустаҳкамланмоқда. Уларнинг равиқини учун зарур шарт-шароит яратилиб, фаолиятининг ҳуқуқий асослари тақомиллаштирилляпти. Тегишли қонун ҳужжатлари асосида диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маънаватчи, маҳалла посбони каби тузилмалар иши йўлга қўйилди.

Маҳаллаларда олиб борилган ишлар самардорлигини оширишда бу ишлар учун масъул кишиларнинг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тизими фаолиятига оид қонун ҳужжатларидан янги хабардор бўлиши ҳамда уларнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-маънавий ва ҳуқуқий билимини ҳамда раҳбарлик малакасини ошириб бориш муҳим аҳамиятга эга. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши томонидан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини тақомиллаштиришга доир ҳаракат дастури ҳам



Сиёсий партиялар:

ҳуқуқий асос ва имконият

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторингининг институтида «Давлат бошқаруви янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партиялар ролин кучайтиришнинг ҳуқуқий асослари» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Уда Олий Мажлиси Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, сиёсий партиялар фаоллари, ҳуқуқшунос олимлар, турли нодавлат но-тижорат ташкилотлар вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

2 - бетда ўқинг

Муҳим қонунлар муҳокамаси

Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги «Адолат» СДП фракциясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда дастлаб «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгаришлар киритиш тўғрисида»и қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Бугунги кунда давлат мукофотлари рўйхатида ўн та ордени ва иккинчи даражали «Мустақиллик», «Амир Темури», «Жалолиддин Манғуберди», «Буюк хизматлари учун», «Эл-юрт хурмати», «Фидокорона хизматлари учун», «Меҳнат ширкати», биринчи ва иккинчи даражали «Соғлом авлод учун», биринчи ва иккинчи даражали Курролли Кучларни шакллантириш, тинчлик, хавфсизлик ва хавфсизлик кўмитаси аъзоси Собир Турсунон маъруза қилди.

— Юртимизда жаҳон талабларига жавоб бера оладиган Курролли Кучларни шакллантириш, тинчлик, хавфсизлик ва халқ оқойишталлиги, ҳудудий яхлитлигимиз ва чегараларимиз дахлсизлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилляпти, — деди жумладан маърузачи. — Бу улкан вазифаларни амалга оширишда ўз ҳаётини Ватанга хизмат қилиш

коллатига киритилган. Шунга мувофиқ, янги давлат мукофоти — «Содиқ хизматлари учун» медалини таъсис этиш, бу тўғрисида Низом ва медал таъсисини тасдиқлаш тўғрисидаги қонун лойиҳаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритилди. Ушбу қонун лойиҳаси юзасидан қўйилган палатанинг Мудофаа ва хавфсизлик кўмитаси аъзоси Собир Турсунон маъруза қилди.

— Юртимизда жаҳон талабларига жавоб бера оладиган Курролли Кучларни шакллантириш, тинчлик, хавфсизлик ва халқ оқойишталлиги, ҳудудий яхлитлигимиз ва чегараларимиз дахлсизлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилляпти, — деди жумладан маърузачи. — Бу улкан вазифаларни амалга оширишда ўз ҳаётини Ватанга хизмат қилиш

Фракция йиғилиши

Қасаначилик ишга унум бермоқда

Ғиждудон туман пахта тозалаш очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти замонавий ишлаб чиқариш технолозиялари билан тўлиқ жиҳозланган. Шу боис ишлаб чиқариш бир маромда олиб борилляпти. Бу эса, ўз навбатида, меҳнат унумдорлигининг устиди, қайта ишланган хом ашёни сифати яхшиланшига хизмат қилмоқда.

Қорхона мутахассисларининг қайд этишича, 2006 йилда 39758 тонна пахта хом ашёси қайта ишланди. Шу жумладан, 13764 тонна тола, 11061 тонна момик, 20830 тонна чиқит ишлаб чиқарилди.

2 - бетда ўқинг

Меҳнат ва ҳимматнинг ҳикмати



Аграр соҳани ривожлантириш учун олиб борилляган кенг қармоғли ислохотларнинг самараси ўлароқ ширкат ҳўжаликлари негизида ташкил этилган фермер ҳўжаликлари галла, пилла, пахта етиштириш режасини ортиғи билан бажариб, юқори даромад олишга эришмоқда. Бундай мисолини пойтахт вилоятининг Оққўрғон туманидаги «Показа-Н» фермер ҳўжалиғи фаолиятида ҳам кўриш мумкин.

Ҳўжалик раҳбари Абдумалик Каримовни оққўрғонлик кесакюёш саҳийқалб инсон, тадбиркор фермер сифатида тилга олади. Абдумалик ака мамлакат микёсиди фермерларга кенг имконият ва қўлайликлар яратилляганини аглаб, 2001 йилдаёқ фермер ҳўжалиғи ташкил қилган эди. Албатта, бир пайтлардаёқидек, мендан кетгунча эгасига етунча қабилда иш тутмасдан кечани кеча, кундузни кундуз демай меҳнат қилди, фермер ҳўжалиғи аъзоларининг моддий манфаатдорлиғига, техника таъминотиға эътибор қаратди. Натияжа эса ёмон бўлмади: фермер ҳўжалиғи ташкил топган 2001 йил бор-йўғи 56 гектар ерга эғалик қилган бўлса, бугунга келиб унинг ихтиёридағи ер майдони 176 гектарға етди. Пахтачилик ва галлачиликда вилоят микёсиди юқори курсаткичларға эришди. Бугун фермер ҳўжалиғи ихтиёрида 10 дан ортиқ трактор, комбайндан тортиб ишчилар, меҳанизатор ва сувчиларни уиндан

иш жойига олиб келадиган 2-3 та автомобиль ҳам бор.

Тиниб-тинчимас Абдумалик Каримов 2005 йилда мисрлик олимларнинг тақлифи билан Қоҳирада, сунгра Италияда ўтказилган «Жаҳон кишлок ҳўжалиғи техникалари ярмаркаси»да иштирок этди. Ушбу хорижий мамлакатлардан ерга ишлов бериш жараёнларини ўрганиб, узимизнинг шарт-шароитға мослаштирди.

— Ўтган йили 100 гектар ерга галла, 66 гектар ерга пахта ва 10 гектар ерга картошка экиб, кўзланган режани ортиғи билан бажардик, — дейди фермер ҳўжалиғи раҳбари Абдумалик Каримов биз билан суҳбатда. — Ялпи даромад 146 миллион сўмни, соф фойда эса 56 миллион сўмни ташкил қилди. Албатта, бу олинган даромадининг бир қисмини туманимиз аҳолиси фаровонлиғини оширишға, кам таъминланган оилаларға ҳар томонлама ёрдам кўрсатишға сарфла-

ялмиз. Тумандағи Қорасийрак ва Хўжа кишлоклари аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминладик, 14- ва 37-ўрта мактабларни оталиққа олдик. Ҳар йили туманда истиқомат қилаётган фаҳрий отахонлардан 40-45 кишини юртимизнинг тарихий, мукаддас қадимжоларига зиёратға бориб келишини фермер ҳўжалиғи ҳисобидан ташкил қилдик.

Дарвоқе, Абдумалик Каримов галлачилик йўналиши бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун ўтказилган «Ташаббус — 2007» куриктанловининг туман ва вилоят босқичларида иштирок этиб, биринчиликни кўлга киритди. Фидокорона меҳнатнинг самарасини, қаранги, у республика микёсиди ўтказилган танловда ҳам «Энг яхши галлакор фермер» деб топилди. Ерни сийлаганини эл сийлайди, деб шунга айтсалар керак-да!

Бахтйёр ТОШНАЗАРОВ, «Адолат» мухбири

ОМАД СЕНГА ЁР БЎЛСИН, РУСЛАН!

14 апрель оқшомида Штутгарт (Германия)даги Porsche Arena спорт саройида профессионал боксининг ўта оғир вазн тоифасида жаҳон чемпионлиғи учун жанг бўлиб ўтади. WBO версияси бўйича уюштириляётган мазкур учрашувда ҳамюртимиз Руслан Чагаев ҳамда россиялик Николай Валуев голиблик учун кураш олиб боради.

4 - бетда ўқинг



Фаолият Мавсум таратқуци

Техника — деҳқон қаноти, юқори натижага эришиш омили. Шунинг учун ҳам деҳқон қишлоқ хўжалиги техникаларига таъбию иш юритади. Янги-янги режалар тузиб, мўл ҳосил тадбирини кўзлайди.

Бунга яхши тушунган Самарқанд вилояти «Машина-трактор парк» бирлашмаси ва унинг туманлардаги бўлимлари мавсум таратқуцини ҳар қачондан эрта бошлашди. Зеро, кечани кеча, кундузи кундуз демай фидокорона меҳнат эвазига етиштирилган галла ва пахта ҳосилини ёгин-сочини кунларга қолдирмасдан йиғиштириб олиш маҳсулот сифатини яхшилашга хизмат қилади.

— Вилоятдаги барча МТПларда меҳнат қилаётган ишчи-ҳодимларимиз киши мавсумида фидокорона меҳнат қилишди, — дейди вилоят «Машина-трактор парк» бирлашмаси раиси Олим Аҳадов биз билан суҳбатда. — Мавсуд техникаларини таъмирлаб, синовдан ўтган замонавий техникаларини олиб келдик. Режа ва дастур асосида кўрган бу чора-тадбирларимиз яхши самара бериб, вилоятдаги МТПлар техникаларини бугун мавсумга шай ҳолатга келтирилди. Бу борада айниқса Нарпай туманидаги «Нарпай» ва «Зирабулоқ» МТПлари кўпчиликка ибрат кўрсатмоқда.

— Доно ҳалқ бисотида ҳамал кирди — амал кирди, деган нақл бор. Вилоят МТП идорасида бўлганмишда, ҳодимлар фермерлар билан ер ҳайдаш, уруғ, қадаш борасидаги шартномалар тузиш билан банд эканлигининг гувоҳи бўлдик.

Бирлашма раиси тақдир билан Нарпай туманида бўлди. Тумандаги «Нарпай» машина-трактор паркида иш қизгин. 106 нафар ишчи-ҳодимларнинг қўли-қўлига тегайди. Корхонага қарашли 8 та «Манум — 8940», 6 та «КЕЦ-2366» ва бошқа транспорт ва ҳайдов тракторлари тулик қувват билан ишлатилиб, деҳқон-фермер хўжалиқларига механизация ишларига беминат кўмакдош бўлаётди. Бинобарин, техникаларнинг айрим эҳтиёт қисмлари корхонада ташкил қилинган устaxonада тайёрланаётгани уш сифати ва унумдорлигини оширишга хизмат қилаётди. Худди шундай қизгин иш жараёнини тумандаги «Зирабулоқ» МТПда ҳам кузатиш мумкин. Мавсуд барча қишлоқ хўжалиги техникаларини мавсумга шай қўйиб, корхоналарда қўлни-қўлга бериб ҳам-жихатликда меҳнат қилаётган ишчи-ҳодимлар ватан, халқ манфаати учун амалга ошираётган ишдан кўнгли тўқ.

Олим ҲАКИМОВ, «Адолат» мухбири

Фаолиятнинг аниқ ва долзарб йўналишлари

партия сарқотиблари учрашувида муҳокама этилди

Давоми. Боши 1 - бетда

Мана шундай янгича сиёсий жараёнларда партия ташкилотлари ишини янада кучайтириш, илгор услуб ва тамойилларни жорий этишни давр тақозо этмоқда. Аниқки, эндиликда партия фаолиятини эски андозалар билан ўлчаб бўлмайди. Қолаверса, янги қонунларда белгиланган ҳуқуқий мақом ва имкониятлар асосида фаолият натижаларини сарҳисоб қилиш, баҳолаш мумкин. Шундай экан, халқ ишончини қозониш, партия нуфузини ошириш учун ҳам биз фаолиятимизда янги-янги ёндошувни, долзарб ва самарали йўналишларни аниқлаштириб олишимиз зарур.



Муҳим муҳокама

Партия раҳбари тadbир мавзусининг моҳияти, йўналишлари ва унга амалга ошириш йўллари ҳақида сўз юритиб, йиғилганларни ҳам қизгин баҳсга чорлади.

Партия Сиёсий Кенгаши котиби, фракция аъзоси Худойер Мамамов сиёсий партиялар фаолиятининг ҳуқуқий асослари ҳақида батафсил тушунча берар экан, айни пайтда партиялар фаолиятини молиялаштиришга кенг имкониятлар яратилаётганини таъкидлади.

— Моддий асос фақат бадаллар йиғимидан иборат бўлмай, балки тadbиркорлик қилиш ҳуқуқи ҳам мавжуд, — деди Х.Мамамов. — Шу кунгача молиявий аҳволи бирмунча яхшилашга эришдик. Айниқса, ҳуқуқимиз томонидан сиёсий партияларнинг молиялаштирилиши фаолиятимиздаги ютуқларнинг омили бўлди. Бирок, бу ўринда партия аъзолари ҳам жонбозлик кўрсатиши керак. Молиявий аҳвол қанчалик бақувват бўлса, халқ ичига кириб боришимиз, айниқса бошлангич партия ташкилотлари ишини кенгайти-

риш имкониятлари ортиб бораверади.

Шу билан бирга семинарда ўтказилаётган тadbирлар таъсирчанлиги ва кўлами, тарғибот ишларининг самардорлиги вилоят ва туманлар миқёсида таҳлил этилди. Юқорида таъкидланганидек, баҳс-мунозара шаклида ташкил этилган тadbирда иштирокчилар эътиборига бир неча босқичдан иборат саволлар ҳавола қилинди. Масалан, янги сиёсий жараёнларда партиянинг ўрнини қандай тасаввур қиласиз? Янги Конституциявий қонун қабул қилиниши муносабати билан партия қандай аниқ вазифалар ва тadbирларни белгилаши зарур деб ҳисоблайсиз? Сиёсий партиялар рақобат майдонини партиянинг мустақим иқтисодий мустақиллиги муаммосини қандай ечиш мумкин? Еки келгусида партия кадрларининг салоҳияти ва амалий ишлари қандай бўлади қабилар. Партия фаолларига бу каби долзарб саволлар берилиши баҳс-мунозара жонланганди.

Албатта, иштирокчиларнинг кун давомидида мулоқотда билдирган фикрлари ҳеч қимни эътиборсиз қол-



Муҳим муҳокама

дирмади, аммо партия раҳбарининг ибораси билан айтганда, буларнинг ҳаммаси партия манфаати ва истиқболини, жамиятдаги нуфузини оширишга хизмат қилиши зарур.

Дарвоқе, иштирокчилар ўртасида савол-жавобли тест, «Онғ ҳужуми», муаммоли брифинг, вазиятга ўйин каби машғулотлар ҳам ташкил этилдики, баҳс-мунозаранинг ноанъанавий бу услуби тadbирни янада қизиқарли ва танқидий руҳда ўтишига сабаб бўлди.

Тadbир иштирокчилари билан семинар-кеңашларни вилоятларда ҳам ўтказиб боришни режалаштириб олишди.

Ўз мухбиримиз

Сиёсий партиялар:

ҳуқуқий асос ва имконият

Давоми. Боши 1 - бетда

Тadbирни бошқарган мазкур институт директори Ихтиёр Абдуллаев бугунги ислохотлар даврида сиёсий партиялар олдига турган асосий вазифалар ҳақида тўхталиб, «Давлат бошқаруви» янгилик ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кўчатириш тўғрисида»ги Конституциявий Қонуннинг моҳияти мамлакатимизда «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» тамойилига асосланган бўлиб, давлатнинг ҳуқуқий ва сиёсий тизимини шакллантиришда олиб борилаётган ислохотларнинг тadbирчи давоми эканлигини таъкидлади.

— Муҳим қонун лойиҳаларини халқ муҳокамасига қўйиш давлат бошқарувининг асосий принципларидан саналади, — деди институт директори ўринбосари Шухрат Фаёзов. — Боси, ислохотлар тақдирини келажак, аввало, халқимизнинг ўзгаришларни қўллаб-қувватлашига, фуқаролар фаолиятининг ошишига боғлиқ. Шу жихатдан юқорида тилга олинган қонун омма томонидан қизгин кутиб олинганини алоҳида қайд этишни истардим.

Қолаверса, Президентимиз Ислам Каримов томонидан Қонунчилик палатасига киритилган «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кўчатириш тўғрисида»ги Конституциявий Қонун ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига (89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмига) тузатишлар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳалари мамлакатимизда демократик қадриятларнинг миллий аъёнлар билан уйғунлашиб бораётганидан далolat беради. Гап шундаки, жамиятнинг муҳим бўгинини ташкил этадиган сиёсий институтлар бугунги кунга келиб халқ билан ҳокимият ўртасидаги

кўприк сифатида сиёсий майдонга чиқмоқда. Қолаверса, бунинг иқтисодий, сиёсий, маънавий омили мавжуд. Шунинг учун янги қонун асосида сиёсий партияларга кенг ваколатлар берилмоқда.

Янги қонун ўз структураси, мазмун-моҳияти жиҳатдан унчалик қатта эмас. Жами 8 моддадан иборат. Ундаги қоида ва талаблар бир неча қонунлар билан уйғунлашган. Барча моддалар миллий давлатчилик негизларини мустаҳкамлаш, жамиятни демократлаштириш ва либераллаштириш, барқарор тараққиёт кафолатини таъминлаш ва шу асосда иқтисодиётимизнинг ўсиш суръатлари ва аҳоли турмуш фаровонлигини изчиллик билан кўтариб боришдек эзгу мақсадларга хизмат қилиши муқаррар.

Шухрат Фаёзов иштирокчилар эътиборини ўтган 4 ой давомида жойларда бу борада тарғибот ишлари қанчалик самара берганига қаратиб эътибор қилиб, амалга оширилган ишлар кўлами етарли даражада эмаслигини таъкидлади.

Мазлумотларга кўра, марказий газеталарда ушбу мавзуга оид 44 та мақола чоп этилган. Вилоятларда эса бу кўрсаткич бор-йўғи 11 тани ташкил этган. Шундан атиги 3 таси мақола, қолгани қонун лойиҳаларига бағишлаб ўтказилган тadbир, турли учрашувлар ҳақида ёзилган хабарлар, холос. Бу эса тарғиботларни марказда эмас, вилоятларда, чекка туманларда кўпроқ ўтказиш лозимлигини аналтади.

Иштирокчиларнинг фикрича, қабул қилинган қонунларнинг асосий мазмуну ва аҳамиятини аҳолига етказиш мақсадида кенг қўлама тушунириш ва тарғибот ишларини янада жадаллаштириш, ҳуқуқшунос ва бошқа мутахассислар ҳамда партияларнинг вакилларини жалб этган ҳолда ОАВда маъмур қонунлар моҳиятини доний равишда ёритиб бориш лозим. Қолаверса, сиёсий партияларнинг мақоми ва ролининг ўзгарганлигини эъти-

борга олиб, уларнинг дастурий ҳужжатларига тузатишлар киритиш, ҳуқуқат ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг фаолияти юзасидан сиёсий партиялар фракциялари ва халқ депутатлари Кенгашларидаги партия гуруҳлари томонидан жамоатчилик назоратини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади.

Сиёсий партиялар фаолияти ҳуқуқий асосларини илмий-назарий таҳлил қилиш ва ўқув-услубий жиҳатдан таъминлаш борасида хорижий давлатлардаги сиёсий партияларнинг конституциявий-ҳуқуқий асосларини тизимли таҳлил қилиш муҳим мазмунли муҳим аҳамият касб этади.

Янги қонун давлатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида партияларнинг ролини кўчатиришга қаратилган йўналишнинг мантаний давоми бўлади, ҳокимият вакили органлари ва ижро ҳокимияти тармоқларини шакллантиришда партияларнинг фаол иштироки учун ташкилий-ҳуқуқий шароит яратди. Эндиликдаги асосий вазифалардан бири шунки, мамлакатни модернизация қилишда мавжуд сиёсий партиялар ўз электорати билан ҳамкорлигини таъминлаш, сиёсий партиялар фаолиятини тарбиялаш ва тарғибот ишларини янада жадаллаштириш, ҳуқуқшунос ва бошқа мутахассислар ҳамда партияларнинг вакилларини жалб этган ҳолда ОАВда маъмур қонунлар моҳиятини доний равишда ёритиб бориш лозим.

Қолаверса, сиёсий партияларнинг мақоми ва ролининг ўзгарганлигини эъти-

Б.БОТИРОВ, «Адолат» мухбири

Жумагул — қизлар сардори

«Сурхонтекстль» акциядорлик жамоаси касаба уюшма қўмитаси раиси Жуманазар Қодиров билан суҳбатда.

— Корхонамизда 856 нафар хотин-қиз меҳнат қилаётган бўлса, уларнинг асосий қисми ёшлар, — сўз бошлади у. — Жамоани қатта бир боққа, ундаги ишчи-хизматчиларни гулларга қиёсласак, шубҳасиз, уларнинг энг сараси Жумагул Гелдиёрова деган қизимиз... Мана бу дипломга эътибор беринг, — хона деворига осилган стендадаги ёзувларга ишора қилди.

Ўзбекистон енгил, мебель саноати ва коммунал-маиший хизмат ходимлари касаба уюшма Марказий Кенгаши дипломи. Унга «Тўқувчи Жумагул Гелдиёрова енгил саноат корхоналари ўртасида Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 15 йиллиги муносабати билан ўтказилган «Ўз касбининг устаси» республика кўрик-танловида голиб чиқиб, ишлаб чиқариш режасини бажаришда юқори кўрсаткичларга эришганлиги, ўз касбига муҳаббат уютишига эътибор бергани билан сўбатимиз корхона цехларига давом этди. У бизни корхона-

енгил, мебель саноати ва коммунал-маиший хизмат ходимлари касаба уюшма Марказий Кенгаши дипломи билан тақдирланади», деб ёзилган.

— Жумагулнинг бу ютуқларга эришувига, аввало, унинг ўз устиди ишлаши, меҳнат интизомига қатъий амал қилиши, ҳар бир дақиқадан унумли фойдаланиб иш юритиши сабаби. У унлаб қизларнинг сардори... — сифатлайди уни сўбатдошимиз.

Касабақўмитаси билан сўбатимиз корхона цехларига давом этди. У бизни корхона-

да амалга оширилаётган ўзгаришлар, янгиликлардан хабардор эта болади. Шу топ хиндистонлик технология қиз Раж Махан шоғирди билан биз томон кела бошлади. Саломликдан сўнг, у аҳил ва ишбилармон жамоа ҳақида, юртимиз ҳақида тўқингани гапирга бошлади.

Дарҳақиқат, хиндистонлик мутахассиснинг эътирофларида жон бор экан. Мазлум бўлишича, «Асака банк»дан 6,5 миллион евро кредит олинди, корхона Германия, Швейцария, Россия, Хиндистон, Туркияда ишлаб чиқарилган, дунё тўқимачилик саноатининг энг сўнгги ўрнумиди усқуналар билан жиҳозланибди. Натижада ишлаб чиқариш сифати ва самарадорлиги ошди. Чунончи, ўтган йили илқисодий кўрсаткичлар анча салмоқдор бўлди. 7 миллиард 60 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиди. Шу жумладан, 5 миллион 388 минг пагона метр мато тайёрланди. 2 миллион 800 минг АҚШ доллари миқдориди

Турсун МАҲМАДАЛИЕВ, «Адолат» мухбири

Ислохот одимлари

Малакали ҳуқуқшунос тайёрлаш

жамиятда ҳуқуқий онни ривожлантиришга хизмат қилади

Мамлакатимиз мустақилликка эришган илк кунларданок таълим тизимини ривожлантиришга давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бири сифатида қараб келинмоқда. «Таълим тўғрисида»ги қонун, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ҳамда тизимни ислохот қилишга қаратилган бошқа бир неча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинганлиги фикримиз далилидир.

Юридик таълим умумтаълимнинг алоҳида бир қўриниши бўлиб, ҳуқуқий онг, маданият ва давлатнинг таянчи ҳисобланади. Шу боис демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш йўлида, аввало, юридик таълимни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш талаб этилади. Чунончи, бу борада ҳуқуқшунос сонга эмас, балки сифатга — малакали, билимдон ва узқоқ ҳуқуқшунослар тайёрлашга аҳамияти бериш лозим. Бунинг учун эса, биринчи галда, мактаб таълимида ҳуқуқшунослик фанларини дарс соатларини янада кўпайтириш керак. Ана шунда ҳуқуқ соҳаси билимдонлари сонини ошириб, муассасаларда танлаш имконияти кенгайди.

Юристик обурили касб са-

налиб, доимо кишилар томонидан кадрларнинг, эъзозланиб келинган. Зотан, юристлар мурраккаб, ечимталаб масалаларни, турли ҳил низоларни қонунларга таянган ҳолда ҳал қилувчи мутахассислар, уларга жамиятда ҳамма катта талаб ва эътиҳ эзилган. Машҳур давлат арбоби Цедирон таъкидлаганидек: «Ҳақиқий юрист (қонуншунос) — қонунлар ва амалдаги ҳуқуқнинг билимдон бўлган, маслаҳат бера оладиган, ишларни юрият оладиган ва ўз миқдорининг манфаатларини ҳимоя қила оладиган кишидир».

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 25 июндаги «Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юқорилантириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини таъминлаш ва узқоқ ҳуқуқшунослар тайёрлашга аҳамияти бериш лозим. Бунинг учун эса, биринчи галда, мактаб таълимида ҳуқуқшунослик фанларини дарс соатларини янада кўпайтириш керак. Ана шунда ҳуқуқ соҳаси билимдонлари сонини ошириб, муассасаларда танлаш имконияти кенгайди.

Юристик обурили касб са-

риш Миллий дастури амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарориди аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш ва ҳуқуқий тарбияни яхшилаш юзасидан олиб борилаётган ишлар давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири этиб белгиланди. Дарҳақиқат, республикамизда юридик таълим-тарбияни тубдан ислохот этиш орқали меҳнат бозорига ўзини билими, малакаси ва тажрибаси билан шаклланган кадрлар тайёрлаш Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг асосий мақсади сифатида белгилаб қўйилган. Бинобарин, бу мақсадларни амалга ошириш бир қатор вазифаларни ҳал этишни талаб қилади. Хусусан, бу борада юридик таълим-тарбия, унинг яхлит тизимининг илмий-назарий ва амалий жиҳатдан ҳар томонлама асосланганлиги замонавий шакл-услубларини ишлаб чиқиш ва уларнинг амалиётга самарали тарзда тадбиқ этилишини таъминлаш муҳим вазифа бўлиб ҳисобланади.

Эргаш САЙТОВ, Адлия вазирлиги бошқарма бошлиғи ўринбосари

Касаначилик ишга унум бермоқда

Давоми. Боши 1 - бетда

Бундан ташқари, маъмурият томонидан ишчи тўғри йўлга қўйилганлиги ва техника қувватларидан самарали фойдаланилганлиги боис корхона жамоаси режага нисбатан 41 тонна зиёд пахтани қайта ишлашга муваффақ бўлинди.

— Корхонамиз ишчи-ҳодимлари 4 меҳнада ишлашмоқда, — дейди жамият раиси Алишер Анваров. — Улар учун барча шарт-шароит ва қулайликлар яратиб берилган: ишчи қийимлари, озиқ-овқат маҳсулотлари билан тулик таъминланган. Натижада 96 миллион 286 минг сўм соф фойда олишга эришдик. Қаердаки аҳиллик бўлса уша ерда ютуқ ва муваффақиятларга эришиш осон кечаркан. Ишчиларимиз бир оила аъзоларидек аҳиллик ва ҳам-жихатлик билан меҳнат қилишга эътибор беришди. Шу кеча-кундузда корхона ҳисобидан қирққа яқин киши касаначилик билан шуғулланмоқда. Корхона маъмурияти ишчиларнинг ўз уйларида меҳнат фаолиятларини юргизиш учун тикувчилик, таъмирчилик ва ҳужжатларни китоб ҳолатида таҳлаш сингари цехларни очиб беришган.

Бундан ташқари пилоч, ўроқ тайёрлашдек муҳим унумдорлик ҳисобига алоҳида эътибор беришди. Шу кеча-кундузда корхона ҳисобидан қирққа яқин киши касаначилик билан шуғулланмоқда. Корхона маъмурияти ишчиларнинг ўз уйларида меҳнат фаолиятларини юргизиш учун тикувчилик, таъмирчилик ва ҳужжатларни китоб ҳолатида таҳлаш сингари цехларни очиб беришган.

хотин-қизнинг ўз вақтида етказиб берилаётганлиги туфайли ишда самарадорлик ҳам, касаначиликнинг моддий манфаатдорлиги ҳам юқори бўлмоқда.

Корхона ёнидаги замонавий бинода 2007 йилнинг январь ойидан иш бошлаган. «Бухоро» пахта уруғчилиги масъулияти чекланган жамияти уруғлик чигитни саралаш, туксизлантириш, дориллаш ва қоплаш ишларини бажарар экан.

Уруғчилик корхонаси жамоаси 2007 йилги пахта ҳосили учун 1372 тонна уруғ ва туксиз чигит тайёрлашди. Шу кунгача 4300 тонна тукли чигит, 650 тонна тукли дориланган уруғлар Қашқадарё, Сирдарё, Фарғона вилоятлари ва Қорақалпоғистон республикасида етказиб берилди.

Бу ерда асосан «Бухоро 102», «Бухоро 6», «Бухоро 8» навли уруғлар тайёрланапти. Жамият ишчи-мутахассислари Испаниядан келтирилган ЮБУС технологиялари асосида чигитни саралаш қоплаб беришди. Ана шу технология асосида сутқасига 20-25 тонна уруғ туксизлантирилиб, дориланмоқда.

— Жорий йилдаги режаларимиз улуг, — дейди жамият ҳисобчиси Алишер Носиров биз билан суҳбатда. — Йил давомида 120 миллион сўм соф фойда олишни режалаштирганимиз. Бунинг учун эса жамиятимиздаги мавжуд техника ва технология қувватларидан самарали фойдаланаялдим.

Дарвоқе, корхонада уруғлик чигитни саралаш, туксизлантириш ва дориллаш сифати аъло даражада олиб борилаётгани учун ҳам талабгорлар сонини кундан-кун кўпайиб бормоқда.

Аскар ЖАЛИЛОВ, «Адолат» мухбири



Тайлоқ туманидаги 1200 дан ортиқ фермер хўжалиги, 2 та йирик корхона, қимёсериш ва бошқа хизмат кўрсатувчи ташкилотларни бirlаштирган «Тезкор — барак» — файз» агрофирмаси ишчи бозор талаблари асосида ташкил этиб, юқори рентабелликка эришмоқда. Натижада деҳқонларнинг моддий манфаатдорлиги ортиб, истеъмол бозорини сифати маҳсулотлар билан тўлдириб имкониятлари кенгаймоқда.

Дастурхонга файз, оилага даромад

Агрофирма бу йил бог ва тоқзорларда етиштирилган ҳосилнинг катта қисмини экспортга жўнатишни режалаштирган.

Агрофирма таркибидаги «Ишонч» фермер хўжалиги эришган ютуқлар айниқса салмоқдор. Салкам 20 гектар майдонда деҳқончилик билан шуғулланаётган бу хўжалик сабзавот, қартошка, галла экинлари, боғлардан юқори ҳосил етиштириб, фермерлик афзалликларини амалда тулик намойиш этмоқда. 81 баҳорчи қаршилаётган Усар бобо Шодиев бошқарётган фермер хўжалиги иқтисодий натижаларини мустаҳкамлаб, зарур техника воситалари харид қилди, маҳсулот сақланадиган оғирборхона, чорвачилик фермасини барпо қилди. Ҳозирда бир неча ўн миллион сўмлик маб-

лағга эга бўлган фермер қишлоқ ободончилигига ҳам арзигулик улуш қўшиб келмоқда.

Асосан галлачилик ва сабзавотчиликка иктисослашган «Маҳмудхон — Саъдуллахон» фермер хўжалиги ҳам илгорлар тажрибасини ва интенсив технологияларни амалда қўллаб юқори самарадорликка эришмоқда. Мўл ҳосил иштиёқиде деҳқончиликни эрта бошлаган хўжалик аъзолари ҳозир барқ уриб ўсаётган экинлар парварини оби-тобида олиб бормоқдалар. Ҳар гектар ердан камида 3 миллион сўм соф фойда олишни мўлжаллаган фермер Ижтимоий химоя илди асосий эътиборини оила бюджетини мустаҳкамлашга, деҳқонларнинг моддий таъминотини яхшилашга қаратмоқда.

Т.ЗОҲИРОВ



Қишлоқ хўжалиги

Коммунал соҳа:

«Истиқлол» ширкатининг истиқболли одими

Ёмғирли кунда ширкат эшигини тақиллатиб ёрдам сўраб келган мижоз ноумид қайтмади. Созловчи-сантехниклар навбатдаги чақирувдан биров ҳорчи келганларига қарамай манзилга отланишди. Канализация ва совуқ сув қуурлари шидан чиққан хонада анчагина меҳнат қилишди. Қуурлару жўмрақларни янгилаб тирикчиларни пайвандлаб беркитишди. Самарқанд шаҳрининг Файзулла Хўжаев кўчасида 23-уй 43-хонада яшовчи пенсионер Виктор Чангин ширкат кўрсатган бу бе...

Бугун Самарқанд шаҳридаги «Истиқлол» хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатининг хизматидан 300 оила бирдек баҳраманд. Кам таъминланган оилалар, ёлғиз яшовчи кекса пенсионерларга эса алоҳида имтиёзлар белгиланганки, бу гаҳмуриликларни қўриб ширкатда ҳеч ким бир-бирига бергана эмас, деган тасаввурга борасиз.

«Истиқлол» уй-жой мулкдорлари ширкати бундан етти йил муқаддам тузилган эди, — дейди ташкилот раҳбари Алишер Азимов. — Ушанда хусусийлаштирилган кўплаб турар жой биноларига коммунал хизмат кўрсатишда талайгина муаммолар юзга қалқиб чиққанди. Йиллар томидан чакка ўтиб ертўларнинг сув босиб, йўлакларнинг эриш, деразалари синиб, иситиш тармоқлари ишламай қолган эди. Аммо биз муаммо қаршида кўл қовутириб ўтирмадик. Бор имкониятни ишга солидик. Энг муҳими, 300 нафар хонадон соҳиблари билан биз ўзимиз яшаётган уйнинг муаммоларини ўзимиз ҳал этишимиз керак, деган яқдил хулосага келдик.

Чиндан ҳам ширкат раҳбари таъкидлаган яқдиллик, ҳамжихатлик коммунал соҳадаги камчилик, нуқсонларни барта...

раф этишда, уларни обод, саранжом-сарийшта сақлашда жуда кўл келди. Уй-жой мулкдорларидан ширкат ҳисобига тушаётган маблағлардан мақсадли фойдаланиш туфайли 2005 йилда 3 та бинонинг томи, ертўла ва йўлакларни таъмирланди. Утган йили эса бирийўла 5 та уй капитал таъмирдан чиқарилди. Хатто болалар майдончаси алоҳида дид билан безатилган. Қўламорлаштириш оилгига давом этаётган шун қуурлар уйлар атрофига қозлаб туп игнабаргли дарахт ва гул қучатлари экилгани ҳам маҳалла фойдасига фойда қўшди.

Уй-жой мулкдорлари умумий йилгили қарорига мувофиқ йиллик харажатлар миқдорини белгилаб оламиз, — дейди ширкат раҳбари. — Шунга мувофиқ ободончилик, таъмирлаш ишлари режасини тузамиз. Тўпланган маблағдан қандай фойдаланилганини тўғрисида мулкдорларга ҳисобот берамиз.

Ширкат раҳбарининг айтишича, ҳозирда тушум миқдори ҳар ойда ўртача 1 миллион сўмини ташкил этмоқда. Демак, шунча маблағ ободончилик йўлида сарфланадиган 25 та кам таъминланган оилага бепул хизмат кўрсатилапти. Ширкат ихтиёридаги 13 нафар ходим

Сизга қандай хизмат кўрсатишяпти?

— электр устаси, сантехник, пайвандловчи, фаррошлар ўзаро шартнома асосида юқори маош билан таъминланган. Шу боис улар ўз вазифаларини сидқидилдан бажаришади. Зарур бўлганда, хонадон эгаларининг ўзлари уларга астойдил кўмаклашади. Хусусан, фаррошлар меҳнатини енгиллаштириш мақсадида чиқиндиларни тўқиладиган алоҳида майдонча ажратилиб, керакли кутилар қўйилгани кўпчиликнинг сая-ҳаракати билан бўлди.

Хуллас, бир қарашда ҳаммаси рисоладагидек. Электр, газ, сув таъминоти учун ҳам тўловлар ойма-ой амалга оширилади. Бу борада қарздорликка сира йўл қўйилмапти. — Аммо хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатини назорат қилиб турадиган идораларнинг қўлиги эркинроқ ишлашимизга халал берадиган, — дейди ширкат раҳбари. — Керак бўлса-бўлмаса, ҳар ойда ўнга яқин ташкилотга ҳисобот беришимиз, уларни босаётган ҳар битта қадамимиздан оғоҳ этиб туришимиз зарур. Бу қозғозликлар қанчалаб вақтимизни оляпти, фойдали ишлардан қолдирапти. Ахир, ширкат низомига мувофиқ фақат уй-жой мулкдорлари олдига ҳисоб беришимиз белгиланган-ку. Солиқ, статистика, банк, ҳокимият идоралари, нахотки, буни тушунишмас.

Дарвоқе, уй миҳозларига хизмат кўрсатишни намунали йўлга қўя олган «Истиқлол» шартнома асосида б 2 та кўшни ширкатга ҳам таъмирлаш ишларида кўмаклашмоқда. Демак, миллияй имкониятларини кенгайтириб бормоқда. Ортиқча ҳисоботозликлар эса

ширкатнинг эркин фаолиятини шубҳа остига қўйиб ривожига халал етказаяпти. Хулоса ўрнида шун таъкидлаш лозимки, шаҳар уй-жой мулкдорлари ширкати бу йил Самарқанднинг Фарход қўрғони ва шунга ўхшаш манзилгоҳларда жойлашган 75 та уйни капитал таъмирдан чиқариши, 46 та уйда эса иссиқ сув қуурларини буткул янгилаши лозим. Бу озмунча харажатни таълаб этмайди. Зарур маблағни излаб топиш учун ҳозир ҳамма воситалар ишга солинмоқда, ўзаро ҳамкорлик шартномалари тузилмоқда. Жумладан, Япония ҳукумати билан ўзаро келишувга мувофиқ ажратилган 1 миллион АҚШ доллари миқдордаги гранд Самарқанд шаҳридаги 46 та кўп қаватли уйда сув таъминотини яхшилаш мақсадида сарфланади. Бу эса коммунал соҳада ижобий ўзгаришлар оҳ бераётганидан далолатдир.

Демак бу каби ҳамкорликлардан руҳланиб ички имкониятларни харажатга келтириш, ширкатларнинг коммунал соҳадаги мустакил фаолиятини кўплаб-қувватлаш мақсада мувофиқдир.

Самарқанд шаҳар уй-жой мулкдорлари ширкатлари уюшмаси раиси Хайринисо Шатановнинг фикрича, «Истиқлол»нинг таърибасини бошқа ширкатлар ўртасида кенг ёйиш лозим. Негаки, банкдан кредит олмади, ўз молиявий аҳолини ўнлаб фойда билан иш юритаётган уй-жой мулкдорлар ширкати булун ҳам, эртага ҳам керак. Улар қўлайса, ривожланиш кўпқаватли уйларнинг қават-қават муаммолари осонроқ ҳал этилади.

Зоҳир ТўРАҚУЛОВ, «Адолат» мухбири

Тўлов яхши, рағбатлантириш ҳам

Қамаши туман давлат солиқ инспекциясида жами 4416 та корхона ва ташкилотлар рўйхатдан ўзгартириш, ҳозирги кунда уларнинг 2030 таси муштотам фаолият кўрсатиб келмоқда. Шунингдек, 367 та жисмоний шахс яқка тартибдаги тадбиркор сифатида иш олиб борапти.

Шуниси эътиборлики, кейинги йилларда туман ДСИ ходимлари барча солиқ тўловчилар ўртасида етарли тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бораётгани боис белгиланган режалар ойма-ой бажариб келинапти. Биргина ўтган ойда бюджет тўловлари 101,3 фоизга урдалангани фикримиз исботидир. Хўш, бунга қандай эришилмоқда?

— Аввало, бизда соҳага тааллуқли меъёрий ҳужжатлар, қонунлар, Президент Фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари фуқаролар ўртасида кенг тушунтириляпти, — дейди туман ДСИ бошлиғи Олим Жайловов. — Худудидаги барча маҳаллаларга ходимлар бириктирилган. Улардан ташкил инспекция ҳузурида ташкил этилган тарғиботчилар гуруҳи ҳам тез-тез фуқаролар билан учрашувлар уюштиряпти. Солиқларни вақтида тўлаётганлар эса ҳар чоракда рағбатлантирилмоқда. Шунинг учун ҳам бу борадаги ишларимиз талаб даражасида, деб айта олам.

— Албатта, гуруч қурмасиз бўлмаганидек, тадбиркорлар орасида солиқ қонун-қоидаларини четлаб ўтишга уринаётганлар ҳам бўлса керак?

— Тўғри, бундай «ишбилармонлар» ҳам учраб туради. Масалан, ўтган ойда 11 нафар фуқаро автотранспорт воситасида лицензия олмасдан аҳолига пуллик транспорт хизмати кўрсатганини аниқлаиб, улар туман суди томо-

Солиқ

ХОРИЖ АБАРЛАРИ

Туркия: самолёт ўғриси ушлангу

Қурдистоннинг маъмурий маркази — Дийрбакирдан Истамбулга етиб бориши лозим бўлган самолёт мажбуран Анқарада қўндирилди.

Аниқланишича, турк миллияй мансуб фуқаро Маҳмуд Гажинко самолёт йўналишини ўзгартирган. Маҳаллий «Pegasus» авиакомпаниясига қарашли мазкур самолётда 175 киши бўлган. Террорист воқеанинг эртаси кунги ҳукумат полицияси томонидан қўлга олинди. Йўловчи ва уювчиларнинг ҳеч бирига зиён етмаган.

Россия: буюм бозорлари ёпилагу

Москва шаҳар ҳокимияти шаҳар ҳудудидаги барча буюм бозорларини ёпиши режалаштирмоқда.



Шаҳар мэри Юрий Лукковнинг фикрича, буюм бозорларининг ўрнида сифатли ва қўний йўл билан олиб келинган махсулотлар билан савдо қилувчи дўконлар қуриши лозим. Бу дўконларда харидорлар пулни касса аппаратларига топширади.

Буюм бозорларининг турган битгани зарар, — деди мэр ўз нутқида. — На бюджетга фойдаси бор, на махсулотлар рақобатбардод. Бундан ташқари, бундай бозорлар атрофида уюшган жиноий гуруҳлар шаклланимоқда.

Конго: ўрмон ҳисобига туз ва шакар

Америка, Осиё ва Европадаги ўрмон хўжалиги билан шуғулланувчи компаниялар туз, шакар эвазига Конго демократик республикасидаги миллионлаб гектар ўрмонлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлмоқчи.

Шартномага мувофиқ Германия, Португалия, Бельгия, Сингапур ва АҚШнинг йигирмага яқин компанияси 21 миллион гектар тропик ўрмон дарахтлари кесиб олинад. Маълум бўлишича, бу компанияларни асосан тика номли дарахт пустилогли кизиктиради. Унинг ҳар бир кубометри 500 фунт стерлинг (минг АҚШ доллари атрофида) деб баҳоланади.

Шимолий Корея: МАГАТЭ назоратчилари, марҳамат!

Корея халқ демократик республикаси (КХДР) 30 кун мобайнида ядровий қурилмани тўхтатиб қўйиб, МАГАТЭ назоратчиларини қабул қилмоқчи.



Бу ҳақда мамлакат Ташқи ишлар вазири уринбосари Ким Ге Гван Американинг Нью-Мексико штати губернатори, шу кунларда президентликка даъвогарлардан бири Билл Ричардсон билан бўлиб ўтган учрашувда маълум қилди.

Бу қарорга Шимолий Кореянинг Banco Delta Asia (BDA) даги ҳисоб рақами музтабиб қўйилганидан сўз келинди. ВДАНинг Кореядаги расмий вакили Венди Ау ҳам ва ахборотни тасдиқлади. Энди улар банкдаги пулини хоҳлаган вақтида олишлари мумкин. Гўлрух ОДАШБОВА тайёрлади

Турмуш чорраҳаларида Жаҳолатга эрк бериб...

Болаларнинг ўртасида ақли йўқ киши тушади. Чунки бол-да, ҳозир жанжаллашса, кўп ўтмай ярашиб опоқ-чапоқ бўлиб кетаверади. Мулламан-ла кишлоғлик Фафур Лапасов эса болаларнинг можароси туфайли аёллар ўртасида келиб чиққан жанжалга қўшилиб, жиноятга қўл урди.


Воқеа шундай кўриниш олди. Гулсара Дўстмуродованинг қизи Манзура қўшинининг ховлиси олдидан қорамолларини ҳайдаб ўтаётган Гофурнинг ўгли Ҳамза чиқиб: — Бу ердан молнинг ҳайдаб ўтма, — деди. — Бизнинг ховлимиз олдинда ўтасизлар-ку, мен ҳам ўтсам нима бўпти, — деди Манзура.

Хуллас, икки ёш бола гап таллашиб, жанжаллашиб қолишди. Уларнинг можаросига Ҳамзанинг онаси Марғуба аралашди. У қизалоқнинг сочидан ушлаб, юзини ерга ишқалади. Шундан сўнг жанжалга Манзуранинг онаси Гулсара келиб қўшилиди. Ҳамза эса бора-солиб воқеани отасига етказди. Бекорчиликдан уйнинг шифтига термулиб ётган Гофур ош пичоқни олиб ташқарига отилди. Қараса, қўшиниси Гулсара қизи билан биргалишиб хотинини уряпти. Гофур: «Сенларни ўлдириб

Ишлаб чиқариш

ЮТУҚЛАР ОМИЛИ — ҲАМЖИҲАТЛИКДА

Азал-азалдан ота боболаримиз нонни ризқ-рўзимиз дея эъзозлаб келади. Бу бежизга эмас, албатта. Ахир, оддийгина майсадан тайёр нон ҳолатига келгунга қадар озмунча меҳнат ва куч сарфланадими? Бу жараёнда айниқса дон махсулотларига қарашли ун заводларида меҳнат қилаётган ишчи-ҳодимларнинг ҳиссаси катта. Утган асрнинг 60-йиллари охирида ишга туширилган «Навоийдонмаҳсулотлари» очиқ тундоғи акциядорлик жамиятида бугун иш ҳар қачонгидан қизиган. Корхонада олиб борилаётган янгилик ва ўзгаришлар билан танишиш мақсадида у ерда бўлдик.



— Шу корхонада ишлаётганимга 34 йил тўлди. Мустакил ҳаётга эндигина кадам қўйган ёшгина киз эдим. Дастлаб иш ўрганишим учун тегирмонга ёрдамчи сифатида ишга қабул қилишди. Тегирмондаги ускуналарнинг ҳайбати кишини чўчитарди. Йўқ, ўрганиб кетдим, — қўлиб эспайди узининг бутун умрини корхона билан боғлаган Холбиби опа Раззоқова. — Аммо то мустакиллик йилларига қадар ҳозиргидек улкан ҳажмдаги ишлаб чиқариш қувватини кўрмаган эдим. Омборларимиз бунчалик донга, унга тўлиб-тошмаганди.

Дарҳақиқат, акциядорлик жамиятининг малакали ва таъриблари мутахассислари бугун бозор муносабатларининг ҳам шиддаткор, ҳам тез ўзгаришчан талабларига мос махсулот турлари ишлаб чиқариш учун меҳнат қилишмоқда. Агар корхона фаолиятини бошлаган дастлабки вақтларда бармоқ билан сарнани турдаги махсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйган бўлса, ҳозирги пайтда бир неча баробарга кўпайди, ишлаб чиқариш қуввати ҳам ошди. Масалан, биргина ун ишлаб чиқариш ўтган йили 108 фоиздан оши-

риб урдаланди. Чорва озуқаси ишлаб чиқариш ҳам меъёридан ортиқ — 148 фоизга етказилди. Аҳолига 2005 йилдаги нисбатан 17 тоннадан ортиқ нон ва нон махсулотлари етказиб берилди. Корхонада истеъмол учун асосий талаб ҳисобланган олий ва биринчи навли ундан ташқари, биринчи навли темир моддаси қўшилган ун, анимия касалликларининг олдини олишга қўмаклашадиган иккинчи навли ун, шунингдек, жавдар, макарон унлари ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилган. — Барча жойининг тош-таро-

зис бўлгани каби иш жараёнидаги муаммоларни, машаққатларни албатта ишчиларимиз, хизматчиларимиз билан биргаликда ҳал этаймиз, — дейди жамият раиси Абдували Пулатов. — Шу боис корхонамиз фаолияти йилдан-йилга яхшиланиб борапти. Айтганча, ҳозирда нафақада бўлган фаришларимизга гамхўрлик кўрсатиб келяпмиз. Бундан ташқари, Ижтимоий ҳимоя йилида кам таъминланган оилалар, яқка-ёлғизларга қўлимиздан кўнган ёрдам бераймиз. — Утган йилги «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» дастури асосида 9 та оилага соғин си-

одамларни тадбиркорликка ўргатса, иккинчи томондан, корхона даромадини юксалтиради. — Касаначилик — мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларнинг бир бўлагидир, — дейди жамият раиси Абдували Пулатов. — Ҳозирги пайтда 160 дан ортиқ касаначиларимиз тикувчилик, кондитер махсулотлари ишлаб чиқариш билан машғул бўлиб, ички бозоримизнинг тўқинлигини таъминлашга хизмат қилишмоқда. Агар касаначилик янада кенг қулоч ёйиб, маҳаллаларимизни тўлиқ каморча олса, шубҳасиз, ҳамон тараққийтимизга тўқсинлик қилаётган божимандалик кайфиятининг илдизини қирққан бўларди. Шу йўналишни янада кенгайтириш ниятимиз бор.

Бир сўз билан айтганда, қайси бир корхона ва муассасада омилкорлик билан иш олиб борилса, уша жойда иқтисодий ютуқлар қўлга киритилади. «Навоийдонмаҳсулотлари» корхонасининг аҳил ва ҳамжихат, ишбилармон жамоаси фаолияти бунга еркин мисолдир.

М.АКРАМОВ, «Адолат» мухбири

Парламент сабоги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси фаолиятининг ҳуқуқий асослари

1. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси фракцияси деганда нима тушунилади? Олий Мажлис Қонунчилик палатаси фракцияси сиёсий партиядан кўрсатиладиган депутатлар томонидан партия манфаатларини Қонунчилик палатасида ифодалаш мақсадида тузилган ва белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган депутатлар бирлашмасидир.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг ҳаммада тўққиз нафар депутати фракция эки депутатлар гуруҳини тузиш ҳуқуқига эга. Фракциялар ва депутатлар гуруҳлари рўйхатдан ўтиши керак. Қонунчилик палатасининг мажлисида фракция ва депутатлар гуруҳининг раҳбари эки бошқа вакили фракцияга эки депутатлар гуруҳи тузилгани ҳақида палатага ахборот беради, бу Қонунчилик палатаси мажлисининг баённомасида қайд этилади. Қонунчилик палатаси фракция ва депутатлар гуруҳи тузилгани тўғрисида қарор қабул қилади. Қонунчилик палатасининг депутати фақат бир фракция эки депутатлар гуруҳининг аъзоси бўлиши мумкин. Сий

Назорат кучайтирилган


Италянча сўз ҳисобланган «паспорт» дастлаб «портлардаги сув транспортларининг чиптаси» маъносига қўлланилганини кўпчилик билмасга керак. Лекин бугунги кунда паспорт балоғат ёшига етган ҳар бир фуқарода бўлишини барча аниглаб етган.

Мухим «ғувхоннома» вази-фасини ўтайдиган ушбу ҳужжат фуқароларга жойлардаги ички ишлар бўлимлари томонидан тақдим этилиши ҳам ҳеч кимга сир эмас. Тошкент вилояти Қўрғай тумани ИИБ ходимлари зиммасидаги шу ва бошқа вази-фаларни астойдил бажариб келишмоқда. Туман ИИБ ходимлари тезкор хатти-ҳаракатлари нати-жасида ҳудудда жиноятчиликнинг олди олиниб, содир этилганлари ўз вақтида фож этилмоқда. — Амалга оширилган тад-бирлар натижасида паспорт ти-зими қоидаларига риоя қил-май, қондабузарликларга йўл қўйган 305 нафар фуқарога

публикаси билан чегарадош бўлган «Мой» кишлоқ фуқаролар йигини ҳудудидан айланма йўллар орқали ноқонуний равишда кириб келаётган товар-моддий бойликларини аниқлаш бўйича ишлар ҳам қўйайтирилган. Нати-жада республикамиз ҳудуди-га ноқонуний махсулотларни олиб кириш бўйича 2 та ҳолат аниқланди. Шу йилнинг 23 февралда кун «Мой» кишлоқ фуқаролар йигини С.Айнинг кўчаси, 12-уйда яшовчи фуқаро Туропбек Уринбоев ва Чирчик шаҳри Фарход кўча-си, 5-уйда яшовчи фуқаро Дилшод Мамасолиевлар жами 70291000 сўмлик товар моддий бойликларини олиб кириётиб қўлга тушди. Ушбу ҳолатлар юзасидан суришти-рув-тергов ишлари олиб бо-рилмоқда. Саодат ЖАББОРОВА, «Адолат» мухбири

Термиз дунё паҳлавонларини чорламоқда

Бугун Термиздаги "Алтомш" стадионида кураш бўйича Президент соҳибдорлиги ушбу Ал-Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишланган VIII халқаро турнир ва аёллар ўртасида илк жаҳон чемпионати бошланади.



1993 йилдан бери мунтазам ўтказиб келинаётган Ал-Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишланган халқаро турнир нуфузи тобора ошиб бормоқда. Бу йилги беллашувларда Греция, Эрон, Бразилия, ЖАР, Украина, Туркия, Франция, Марокаш, Буюк Британия сингари ўттизга яқин давлатлар полвонлари иштирок этиши кутилляпти. Умумий мукофот жамғармаси 21200 АҚШ долларини ташкил қилувчи халқаро турнирда курашчилар етти (60 кг, 66 кг, 73 кг, 81 кг, 90 кг, +90 кг ва мутлоқ) вазн тоифаларида гиламга чиқадилар. Турнирнинг мутлоқ ғолибига 10000 АҚШ доллари миқдорда мукофот тоширилади. Айнан шу вазн тоифасида беллашиш учун ер куррасининг энг сара полвонлари аллақачон юртимизга ташриф буюришган. Улар орасида Африка китъаси чемпиони Гери Эндерхольд (ЖАР), Европа чемпиони ва совриндорлари Василис Илиадис, Георгис Андриадис (иккиси ҳам Грециядан), Осиё чемпиони ва жаҳон чемпионати бронза медали совриндори Саид Хисрави Нахот (Эрон), жаҳон чемпиони Эмили Гитинез (Буюк Британия) сингари курашчиларнинг борлиги бахслар нечоғли мурасиз ва шиддатли ўтишдан дарак бераётир. Аёллар ўртасида буладиган илк жаҳон чемпионатида ғолиб ва совриндорлар уч (52 кг, 63 кг, +63 кг) вазн тоифаси бўйича аниқланади.

Шаҳобиддин РАСУЛОВ

ОМАД СЕНГА ЁР БЎЛСИН, РУСЛАН!

Руслан ЧАГАЕВ

1978 йил 19 октябрда Андижонда туғилган. У Германиянинг "Universum Box-Promotion" спорт клуби таркибиде жанг ўтказди. Руслан профессионал рингдаги илк учрашувида америкалик Донни Пенельтонга қарши рингга кўтарилган. Бу жанг 1997 йил 21 августда уюштирилган. Бўйи — 185 см. Вазни — 104 кг, чапақай. Менежер — Таймас Ниязов. Мурабийи — Михаил Тимм. Қўлга киритган натижалари: Ҳаваскор боксчилар ўртасида 85 учрашудан 81 тасида ғалаба қозонган. Профессионал рингда йигирма учта учрашув ўтказиб, 22 тасида ғалаба қозонган ва биттасида дураг натижага эришган. Профессионал бокс оламидаги лақаби — "Ок Тайсон".



Николай ВАЛУЕВ

1973 йил 21 августда Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрида туғилган. Профессионал рингдаги дастлабки учрашувини 1993 йил 15 октябрда германиялик Жон Мортонга қарши ўтказган. Қўлга киритган натижалари: Ҳаваскор боксчилар ўртасида атиги тўққизта учрашувда рингга чиққан. Профессионал бокс бўйича 46 та жанг ўтказиб, барчасини ўз фойдасига ҳал қилган. Бўйи — 213 см. Вазни — 145 кг, асосан ўнг қўл билан зарба беради. Менежер — Вильдфред Сауэрланд. Мурабийи — Мануэл Габриэлиан. Профессионал бокс оламида «Рус гиганти» лақаби билан шўҳрат қозонган.



— Ишонманки, келгуси сешанба кунини Руслан билан биргаликда чемпионлик камарини Ўзбекистонга олиб қайтамиз, — деди Ўзбекистон профессионал бокс федерацияси президенти Дониёр Эргашев Штутгарта жўнаб кетиш олдидан журналистларга берган интервьюсида. — Бундай шарафга эришиш учун боксчимизнинг кучи ҳам, имконияти ҳам етади.

Дарҳақиқат, бугун бутун Ўзбекистон халқи ушбу муҳим учрашувда ҳамюртимиз Руслан Чагаевнинг ғалаба қозонишига ишонч билан қарамоқда. Олимпия чемпиони, профессионал боксчи Муҳаммадқодир Абдуллаев жанг олдидан қуйидагича фикр билдирди. — Руслан бежизга профессионал рингда "Ок Тайсон" номини

вазгли боксчилар ўртасида тезкор ва чапдаст спортчилардан саналади. Кўпчилик мутахассислар ҳамюртимизни афсонавий Майк Тайсоннинг бундан ўн йил илгариги ҳолати билан қиёслашяпти. Қолаверса, катта маҳорат ва кучли техникага эга Руслан Чагаевнинг бугунги ҳолати, шижоати менда унинг булajak улкан ғалабасига ишонч уйғотади. Омад сенга ёр бўлсин, Руслан!

Кураш

Пойтахтимиз марказидаги буюк соҳибқирон Амир Темур номи билан аталган хибоннинг ўзига хос тарихи бор. XIX асрнинг иккинчи ярмида Тошкент Чор Россияси қўшилари томонидан истило қилингандан кейин шаҳарнинг янги қисмини бунёд этиши масаласи кўрилиб, бу ишни ҳарбий муҳандис А.Марқаров 1867-1870 йиллар давомида режалаштирган.

ОРОМБАХШ ХИЁБОН

Уша даврдан бошлаб бўлажак хибон атрофида маъмурий ва турар жой бинолари аста-секин қад кўтара бошлади. 1875 йили банк биноси, 1878-1879 йилларда ўғил ва қиз болалар учун гимназия биноси (ҳозирги Тошкент Давлат юридик институти) қурилади. 1885 йили Зобитлар йигини ўтказадиган бино (ҳозирги Офицерлар марказий уйи), 1889-1890 йилларда князь Романов саройи ва бошқа турар жойлар тикланади. 1882 йил 4 май кунини Туркистон генерал-губернатори, истилочи К.Кауфман вафот этади ва унинг жасади гимназия рўпарасига дафн этилади. Унинг қабри атрофини ободонлаштириш ва бу жойларни сайилгоҳга айлантириш мақсадида 1883 йили ҳозирги хибонга асос солинади. Хибонга манзарали эман ва чинор кўчатлари экилади. 1889 йилда ободонлаштириш ишлари нияҳасига етгач, хибон тошкентликлар, хусусан, кўқори мартабали амалдорлар, зобитлар, савдогарлар ва уларнинг оила аъзолари хордиқ чиқариб, маданий дам оладиган масканга айланади. Хибонда 1890 йили Туркистон ўлка хунармандлари кўрғазма ва павильонлари ташкил этилган. Турли-туман хунармандчилиги буюмлари билан тўлиб-тошган бу кўрғазмаларни томоша қилиб, завқланган маърифатпарвар шoir Зокристон Фуркат "Виставка хусусида" шеърда шундай ёзди: *Мингу саккиз юзу тўқсон эди йил, Иккинчи сентябрь ойи яна бил. Кириб виставкани қилдик томошо, Ҳама ашё экан анда муҳайё.* Уша йилларда хибонда хар хил кўнгличор ва қизиқарли томошалар ҳам бўлиб турган, дорбозлар, қизикчилар, кўғирчоқбозлар, курашчи полвонлар ўз санъатлари ва маҳоратларини томошабинларга намойиш этишган. Уша вақтда чиғири турган "Вестник виставка" газетасининг 1909 йил 1-сониде 1909 йилнинг кузида

(сентябрь ойида) хибонда ташкил этилган қиллоқ хўжалиги ва хунармандчилиги кўрғазмасида Шайхонтоҳур даҳасидан Шомаҳмуд Шомухиддинов раҳбарлигидаги созандалар гуруҳи, кўкчаллик Карим Абдусаломов ва Тоирқори Шодибеклар раҳбарлигидаги ўзбек миллий театри, сифатида улугвор ҳайкали савлат ўқиб турибди. Сал нарироқда эса Темурийлар тарихи Давлат музейи қад кўтарган. Юртбошимиз Ислам Каримов 1993 йил 31 август кунини Тошкент шаҳрида соҳибқирон Амир Темур ҳайкалининг очилишига бағишланган тантанавда сўзлаган маърузасида шундай деб таъкидлаганди: "Мамлакатимизнинг марказида, қадимий ва гўзал пойтахтимиз жонажон Тошкентимиз ўртасида қад кўтарган улуг бобомиз сиймоси халқимизга фахр ва гурур бахш этмоғи мукаррар! Бу сиймо мард, тантанали, халол ва гайратли халқимизни бирлаштиришда, жиқлаштиришда, иймон-оқибатли



хушовоз ашулачи Мирзохид Отабеков ва уйинчилар ҳам қатнашгани ҳақида хабар қилган. Тарихий хибон 1992 йилнинг майидан "Марказий хибон", 1993 йилнинг 31 августидан бошлаб эса соҳибқирон бобомиз номи билан Амир Темур хибони, деб аталиб келинмоқда. Хибонда унинг сўнас сиймоси жасурлиги, адолатпарварлиги инсонийлиги, юртпарварлиги тимсоли бўлишда, қудратли келажагимизни қуришда бизга янги-янги куч-қувват ва шижоат бағишлайди. Бу тарихий масканда мустақил йилларида катта бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилиб, Тошкент шаҳар аҳолиси ҳамда меҳмонлар учун қинамак дам олиш, хордиқ чиқариш масканига, ёшлар сайилгоҳига айлантирилди. Рашид БОЙТИЛЛАЕВ

Таълим

Томчи сувда ҳаёт мужассам

Ёшлар — эртанги кунимиз ворислари, мустақил Ўзбекистонимиз келажағидир. Уларнинг жисмонан соғлом, маънан баркамол вояга етишишда, ватанга садоқатли, мустақил фикрга, дунёқарашга эга фарзандлар бўлиб камол топишида асосий дарс машғулотларидан ташқари ўтказиладиган турли тўғараклар, кўрик-танловлар ва спорт мусобақаларининг аҳамияти беқиёс. Туманимиздаги жами 105 та умумий таълим мактабиде дарслардан ташқари тадбирларни муваффақиятли ташкил этишга жиддий эътибор қаратиляпти. Жумладан, ўқувчиларимиз иштирокида анъанавий равишда "Яшил чироқ", "Саломатликнинг ёш дўстла-

ри", "Томчи сувда ҳаёт мужассам", "Шунқор", "Уйла, изла, топ!", "Конституция — бахтимиз Қомуси", "Сиз тарихий биласизми?" сингари ўнлаб кўрик-танловлар, спорт мусобақалари ўтказиб келинапти. "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати туман кенгаши билан ҳамкорликда ташкил қилинаётган бу тадбирларнинг мавзулари баҳслалар тарзда тузилаётгани ва ғолибларнинг доимий рағбатлантирилиши ўқувчи-ёшлар қизиқишини оширмоқда. Яқинда ўқувчилар ўртасида "Иқтидорли болалар" кўриктанлови бўлиб ўтди. Унда ўсмирлар 8 та йўналиш бўйича шўьбаларга бўлиниб, олган билимлари даражасини аниқлаб олдилар. Айниқса, тарихга оид саволлар мунозараларга бой бўлди. Ғолиб чиққан 8 нафар ўқувчимиз вилоят босқичида ҳам иштирок этиб, уларнинг 5 нафари фахрли ўрин-

Спорт билан ҳамнафас



Суратда кўриб турганингиз 70 ёшдан ошиб 90 га яқинлашиб қолган қариялар. Ишонмаясиз, шекилли. Рост гап, фақатки, улар ёшлик чоғлариданоқ спортга ошно. Шу сабаб, хали-хануз жисмонан бақувват, рухан телик. Пойтахтимизнинг Чилонзор туманида жойлашган Республика жисмоний тарбия-даволаш диспансерида бундай инсонларни кўплаб учратиш мумкин. Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли ушбу масканда спортнинг ўнлаб турлари билан шуғулланиш учун етарли шарт-шароитлар яратилган. Ҳар кунини ўнлаб спортсевар инсонлар бу ерга келиб,

у ёки бу спорт тури машғул бўлишди, саломатликларини тиклашди. — Жисмоний машғулот билан шуғулланиш, ҳеч бўлмаганда, кунига 5-10 километр пиёда юриш умрни узайтиради, — дейди диспанснинг доимий аъзоларидан бири Сирожидин хожи Орипов. — Шунинг учун ёшлигимдан спорт билан ҳамнафасман. Мана, ҳозир ёшим 84 дан ошди, лекин шу пайтгача бирон жойим организмни эслолмаيمان. Мен каби кексалар бу ерда кўпчиликни ташкил қилади. Барчамиз 120 баҳорини қаршилаш бўйича «мусобақа» уйналяпти. Охсета АЛИМОВА

Ҳаётда бир марта бўлса-да, музқаймоқ емаган киши бўлмаса керак. Чунки музқаймоқни ҳамма жойида севиб истеъмол қилишади.

МУЗҚАЙМОҚНИНГ ВАТАНИ ҚАЕР?

Ҳозирда музқаймоқнинг юзлаб турлари мавжуд. Уларни киши ўз таъбига қараб танлаб олиши мумкин. Лекин авваллари бундай бўлмаган. Негаки, дастлабки музқаймоқлар фақат бой хонадонларга ва кўрол саройидаги кишиларгагина маълум бўлган. У ҳақда оддий халққа умуман ошкор қилинмаган. Албатта, уша пайтдаги музқаймоқлар буғунгиларидан анча фарқ қилган. Маълумотларга қараганда, бу тансиқ таом эраимиздан аввал фақат бой хитой хонадонларидагина, оватдан сўнг дастурхонга тортилган. Шунинг учун олимлар музқаймоқнинг ватани Хитой, деб эътироф этишади. Музқаймоқ анча олдин кашф қилинган бўлса-да, бизнинг эраимизга келиб кенг тарқала бошлади. Мисол учун, у ҳақда европаликлар фақат XIII асрга келибгина хабардор бўлишган. Машҳур сайёх Марко Поло Хитойга қилган сафариде ўзи билан Европата музқаймоқни олиб қайтди. Ле-

Тарихда ўтган кўплаб машҳур шахслар музқаймоқни севиб тановул қилишган. Мисол учун, Наполеон Елена оролига

Ўқинг, бу қизиқ!

мас эди. Бамайлихотир ўтириб музқаймоқ ейишга эса кўпчиликнинг вақти бўлмаган. 1843 йили англиялик Ненси Жонсон бу ноқулайлиқни баргафрат этиш учун кўлда кўтариб юриб эса буладиган музқаймоқ ишлаб чиқаришга патент олади. Лекин буни кенг йўлга қўйишга унда маблағ етишмапти. Шу сабабли у патентни америкаликларга сотиб юборди. 1851 йили Балтиморда Жакоб Фассел музқаймоқ ишлаб чиқарувчи завод қурган бўлса, 1897 йили Альфред Кралл унга мўлжалланган қошиқча ишлаб чиқариш учун патент олади. Шу тарихи музқаймоқ йилдан-йилга оммалашиб борди. Айниқса, музлаткичларнинг пайдо бўлиши унинг тарихи



Россияда музқаймоқ ишлаб чиқарувчи ускунанинг иختиро қилиниши уни кенг қамровда тарқалишига сабаб бўлди. Лекин одамлар музқаймоқни юриб-туриб истеъмол қила ол-

мади, чунки бурилиш ясади. Чунки музқаймоқларни эриб кетишидан қўймай, музохонада узоқ муддат сақлаш мумкин эди. Уктам ХУДОЙҚУЛОВ тайёрлади

"Адолат" ҳуқуқий маслаҳатхонаси

Тинтув қандай ўтказилади? Тергов жараёнида кўпчилик ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари томонидан уй-эвоилар, қорхоналар кўздан кечирилади. Айтиш-чи, тинтув асосан қандай ҳолларда, қандай тартибда ўтказилади? Бекзод Хидиров, Тошкент шаҳри Аввало, мустақиллик йилларида республикамизда суд-ҳуқуқ соҳасида туб ислохотлар амалга оширилганини таъкидлаш лозим. Жумладан, тергов-суриштирув ва қишлоқларни ҳибсда сақлаш муддатлари сезиларли даражада қисқартрилди, кўриб чиқишнинг қатъий муддатлари белгиланди. Бугунги кунда суд жараёнида тортишув тамойили, яъни прокурор билан адвокат ҳуқуқларининг тенглиги таъминланмоқда. Бу сайё-ҳаракатлар албатта, инсон ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясини таъминлашга қаратилган. Энди бевосита саволга тўхталсак. Тергов давомида тинтув ўтказишнинг асосий мақсади жиноятни очишга хизмат қила оладиган далилий ашёларни топиш ҳисобланади. Кўп ҳолларда инсон ҳаётига қасд қилиш, босқинчилик, ўғрилик каби жиноятларни очишда тинтув ўтказилади. Талқинчиликнинг фикрича, тинтувнинг аффилиги ва тулиқ ўтказиш мумкинлиги иш бўлиб, у терговчидан зийраклик, маҳоратли, кўнг ва чидамлиликни талаб қилади. Тинтув бошладан олдин терговчи пухта тайёргарлик кўриши, ни-

ADOLAT
ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТА
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ» СДП СИЁСИЙ КЕНГАШИ
www.adolat.uz • E-mail: adolat_gazeta@mail.ru

Бош муҳаррир
Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ
Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан рўйхатта олинган
Телефонлар: қабулхона — 136-53-14; факс — 133-40-86; котибият — 136-55-96; реклама бўлими — 133-41-89;
Махсус: 700047, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Тахрир ҳайъати
Дилором ТОШМУҲАМЕДОВА, Иқбол МИРЗО, Турсунали ҚУЗИЕВ, Туруншўлат ДАМИНОВ, Равшан ҲАЙДАРОВ, Мамазоир ХУЖАМБЕРДИЕВ, Исмоил САИФНАЗАРОВ, Собир ТУСУНОВ,
Шермат ШАМСИЕВ, Светлана ОРТИҚОВА, Муҳаррамхон АЗИМОВА, Жуманиёз АЛИБЕКОВ, Камол АЛЛАЁРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Талъат МУРАТОВ

Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди
• «Адолат»дан кўчириб босиш фақат тахририят руҳсати билан амалга оширилади.
t — Тижорат мақодалар белгиси.
Нашр индекси — 100
Навбатчи — Б.ТОШНАЗАРОВ
Саҳифаловчи — Л. ТУСУНОВ